

КУЛЬТИВАЦИЯ БЎЙИЧА ДАЛА СЕМИНАРИ БЎЛИБ ЎТДИ

Далаларда униб чиққан ғўза майдонларида культивация тадбирларини сифатли ўтказиш, фермер хўжаликларидан меҳнат ва эътибор талаб қилади. Беруний туманида 2021 йилда 10 минг 30 гектар ерга чигит экилиши режалаштирилган бўлиб, униб чиққан майдонларда культивация тадбирларини сифатли ўтказиш бўйича дала семинари, туманидаги Махтумқули ОФЙ ҳудудидаги “Жамшид Мадатбоев” фермер хўжалигида бўлиб ўтди.

Image not found or type unknown



Мазкур фермер хўжаликда жорий йил 58 гектар майдонга пахта экилиши режалаштирилган бўлиб, пахта экиш тадбирлари билан бир қаторда ғўзага ишлов бериш жараёнлари ҳам бошлаб юборилган. Бундан ташқари 12 гектар майдонга ғалла экилиб, парвариш қилинмоқда. Кўргазмали семинар давомида туман ҳокими А.Сапарбаев бу йилга ҳосил баракали бўлиши учун барчамиз бирдамликда ҳаракат қилишимиз зарур дея тушунтириб ўтди. Семинарда туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича ўринбосари С.Урунбаев, Агроинспекциянинг туман бўлими бошлиғи У.Қаландаров, Қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи Ф.Рейимбоев, фермер хўжалиги раислари ва соҳа мутасаддилари иштирок этди.

Image not found or type unknown



Беруний тумани ҳокимлиги ахборот хизмати